



**«Олмалиқ КМК» АЖ ИМИЧБ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш
ва ем хашак тайёрлаш бўйича участкаси учун харид қилинадиган
маккажўхори уруғи (силос учун) бўйича
Техник параметрлар**

**Олмалиқ ш.
2026 йил**

Маккажўхори уруғи (силос учун) Техник параметрлар

1. Махсулотни сотиб олишнинг асосий сабаби ва мақсади.

ИМИЧБ қарашли Сут товар фермасидаги йирик шохли қора молларни озуқа билан таъминлаш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш учун.

2. Махсулот ишлаб чиқарилганлиги хақида маълумот (ишлаб чиқарилган йили)

Ишлаб чиқарилган йили 2025 йилдан олдин эмас.

3. Фойдаланиш объекти

ИМИЧБ қарашли қишлоқ хўжалиги участкаси ер майдонларига экиш учун.

4. Махсулотнинг техник, функциявий ва сифат бўйича характеристикаси (мувофиқлик сертификати, етказиб берувчи корхонага талаб этилган хужжатлар).

Маккажўхори уруғи (силос учун) 1-иловада кўрсатилган талабларга мос келиши лозим.

5. Қадоклаш шарти ва талаблари

Қадокланган (упаковка) қопларда, махсулот ишлаб чиқарувчининг номи, махсулот номи махсулот массаси, QR коди, махсулот ишлаб чиқилган сана, ой ва йил.

6. Ҳажм талаблари ва кафолат муддатлари

Сифат бўйича кафолат муддати 24 ойдан кам бўлмаслиги шарт.

7. Етказиб бериш вақти, жойи ва миқдорига қуйиладиган талаблар.

3078 кг маккажўхори силос учун уруғи 2026 йил 25 февралга қадар “Олмалиқ КМК” АЖ марказий омборхонасига келиши шарт.

*Маккажўхори уруғи (силос учун)
техник параметрларига 1-сонли илова.*

**Маккажўхори уруғларига (силос учун) қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади.
Техник шарт.**

1. Маккажўхори уруғи силос йўналишида.
2. Уруғнинг ҳосилдорлиги 1 гектардан 900-1110 цн.
3. Вегетация даври 125-135 кун.
4. Маккажўхори поясининг баландлиги 350-390 см.
5. Уруғлик маккажўхори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасасининг мувофиқлик сертификатиغا эга.
6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигидан хулоса.
7. Келиб чиқиши тўғрисида сертификат.
8. Мувофиқлик сертификат.
9. Уруғлик маккажўхори F1 авлодига мансуб бўлиши.
10. Маккажўхори уруғи 2025-йилда ишлаб чиқарилган.
11. Маккажўхори уруғини етказиб берувчи корхонанинг ўзи импорт қилиб Европа ва Осиё давлатларидан олиб келган бўлиши лозим.
12. Маккажўхори уруғини 2026 йил 25 февралга қадар “Олмалиқ КМК” АЖ марказий омборхонасига келиши шарт.
13. Уруғнинг сифати бўйича кафолат муддати 2 йил.
14. Уруғ сотган корхона томонидан маккажўхори уруғи экилган кундан бошлаб ҳосилни йиғиштириш кунига қадар, ҳар ойда уч мартаба мутахассис келиб кўриб ўз тавсияларини бериши.

